

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ОЛИМОВ ТОЛМАС ФАРХОДОВИЧ

**ОКМК ДА МИС ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ПИРИТ
КОНЦЕНТРАТИНИ АВТОКЛАВДА ИШҚОРЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ ВА ҚОНУНИЯТЛАРИ**

02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар
технологияси (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract dissertation of doctor of philosophy (PhD)

Олимов Толмас Фарходович

ОКМК да мис ишлаб чиқаришдаги пирит концентратини автоклавда
ишқорлаш технологиясини яратиш ва қонуниятлари. 3

Олимов Толмас Фарходович

Закономерности и разработка технологии автоклавного
выщелачивания пиритного концентрата медного производства АГМК... 21

Olimov Tolmas Farkhodovich

Regularities and development of an autoclave leaching technology of pyrite
concentrate of copper production of the АММС. 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works. 44

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ОЛИМОВ ТОЛМАС ФАРХОДОВИЧ

**ОКМК ДА МИС ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ПИРИТ
КОНЦЕНТРАТИНИ АВТОКЛАВДА ИШҚОРЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ ВА ҚОНУНИЯТЛАРИ**

02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар
технологияси (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc./K2 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ionx.uz) ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шарипов Хасан Турабович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гуро Виталий Павлович
кимё фанлари доктори, профессор

Нурмуродов Тўлқин Исамуродович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «04» декабрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а уй. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanuz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77-а уй. Тел.: (+99871) 262-56-60).

Диссертация автореферати 2020 йил «20» ноябрь куни тарқатилди.
(2020 йил «20» ноябрьдаги 20 рақамли реестр баённомаси).



Б.С. Закиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Д.С. Салиханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д. профессор

С.А. Абдурахимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда жаҳон амалиёти оғир саноатнинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг рангли металлургиясининг муҳим вазифаси бу саноат чиқиндилари ва техноген хом ашёни утилизация қилиш бўлиб, у бугунги кунда давлат миқёсда ўткир иқтисодий ва технологик муаммо ҳисобланади, чунки у давлатнинг иқтисодий фаолияти ресурсларини тежаш, экологик ва диверсификация қилиш чораси сифатида кўриб чиқилмоқда. Шу сабабли чиқиндиларни утилизация қилиш ва улардан қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш каби масалалар катта аҳамиятга эгадир.

Ҳозирга вақтда жаҳонда техноген чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича замонавий тадқиқотлар инновацияларни, энг янги технологияларни ва модернизацияни ривожлантириш бўйича қуйидаги илмий ечимларни асослаш: металлургия саноати чиқиндиларини кимёвий таркибини аниқлаш; саноат чиқиндилари таркибидан қимматбаҳо ва нодир металлларни ажратиб олиш; пирит концентрати ва уни қайта ишлаш маҳсулотларининг кимёвий таркибини физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида аниқлаш; пирит концентратини юқори ҳарорат ва босимда нитрат кислотаси билан эритиш жараёнининг термодинамик ва кинетик қонунларини аниқлаш зарур.

Республикада хусусан, “Олмалиқ КМК” АЖ базасида рангли металлургия мис саноатининг ривожланиши билан пирит полиметалл концентратининг ҳосил бўлиш ҳажми ўсмоқда, улардан фойдаланишнинг бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан пирит концентратини чиқур комплекс қайта ишлашнинг самарали усулини ишлаб чиқиш, улардан кимёб хомашёни ажратиб олишга қаратилган технологияни яратиш корхонада иқтисодий ва экологик муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2019 йил 23 июлдаги «Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4401-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги қарори

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикаси фан ва технологиясини ривожлантиришнинг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганиганлик даражаси. Дунёда тоғ-кон ва металлургия ҳамда металлургия саноатидаги саноат чиқиндиларини комплекс қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича катта ҳажмда тадқиқотлар олиб боришга Зеликман А.И., Николский Б.П., Сефт А.Л., Акопян К.Э., Хчеян Г.Х., Язиков В.Г., L. Alfoldi, J.S. Anderson, K.A. Matis, M.J. Ritchie, J.D. Salter, N.P. Wyatt, J.C. Yannopoulos, C.P. Young Zaporozec, A.P. Kundler ва бошқа машҳур олимларнинг илмий изланишлари бағишланган.

Хозирги кунда дунёда олиб борилаётган илмий изланишлар, асосан, сулфидли хом ашёни қайта ишлаш учун технологик шароитларни яратиш билан чекланган бўлсада, сулфидли олтингугуртни элементар шаклга айлантириш имкониятидан қатъий назар, рангли металлургияда техноген хом ашёнинг катта ресурсларини комплекс ва чиқиндисиз қайта ишлаш имкониятларини қидириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилган.

Республикамизда камёб металларни ўз ичига олган саноат чиқиндиларини комплекс қайта ишлашни ўрганишда фан ва амалиётнинг ривожланишига А.А.Юсупходжаев, К.С.Санакулов, Г.С.Сагтаров, А.С.Хасанов, Х.Р.Исмаев, Л.М.Богачева, Р.Д.Аллабергенов, Х.Т. Шарипов, Э.А.Толстов каби олимлар катта ҳисса қўшганлар. ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти ва САИГИМС институти ходимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида, пирит концентратлари рангли металлургия учун минерал-хом ашё базаси сифатида ишлатилиши мумкин бўлган технологик жихатдан қийин қайта ишланадиган полиметалл хом ашё эканлиги аниқланди. Бироқ бугунги кунга қадар ушбу техноген хом ашёни олтингугурт, темир ва нодир металларни қазиб олишда ишлатиш муаммоси этарлича ўрганилмаган. Шу билан бирга, минерал хом ашёни қайта ишлашнинг мураккаблиги ва тўлиқлигини ошириш учун муҳим захираларга эга бўлган гидрометаллургия технологиялари (автоклав, оксидловчи технологиялар) мутахассислар эътиборини тобора кўпроқ жалб қилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ППИ-13-18 «Олмалик кон-металлургия комбинатининг мис ва кўрғошин бойитиш заводлари чиқиндиларини қайта ишлаб, қимматли металларнинг ярим маҳсулотларини олиш бўйича комплекс технологияни ишлаб чиқиш ва портландцемент ишлаб чиқариш» (2016-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ОКМК да мис ишлаб чиқаришдаги пирит концентратини автоклавда ишқорлаш технологиясини яратиш ва қонуниятлари аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пирит концентрати ва уни қайта ишлаш маҳсулотларининг кимёвий таркибини физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида аниқлаш;

пирит концентратини юқори ҳарорат ва босимда нитрат кислотаси билан эритиш жараёнининг термодинамик ва кинетик қонунларини аниқлаш;

жараённинг оптимал шароитини аниқлаш мақсадида, шунингдек элементар олтингугурт, темир ва қимматбаҳо металлларни ажратиш билан олинадиган маҳсулотларни қайта ишлаш шароитини яратиш учун нитрат кислота эритмалари билан пирит концентратини автоклавда очиш бўйича технологик тадқиқотлар олиб бориш;

пирит концентратини самарали қайта ишлаш технологиясини дастлабки техник-иқтисодий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖ мис ишлаб чиқаришдаги пирит концентрати - полиметал хом ашёнинг қийин қайта ишланадиган техноген хом ашёси бўлиб, унинг асосий қимматли таркибий қисмлари темир ва олтингугурт, шунингдек қўшимчалар сифатида нодир ва рангли металллар (Au, Ag, Cu, Ni, Co, Zn) фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети элементар олтингугурт, ғовак темир, қимматбаҳо ва рангли металлларнинг ярим маҳсулотларини ажратиб олиш билан пирит концентратларини чуқур қайта ишлаш автоклав технологиясини ишлаб чиқиш йўли билан Ўзбекистон минерал ресурсларини тўлдириш истиқболлари баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда рентген фазовий таҳлил (РФА, ДРОН-2.0), ИҚ-спектроскопия (Specord IR-75), термик таҳлил (ДТА Q-1000), микрозонд таҳлил каби замонавий физик-кимёвий усуллар, компьютер дастурлари, технологик эритманинг муҳитини ўлчаш учун рНметр, оксидланиш-қайтарилиш редокс потенциали (ОҚП) П-5827 потенциостатдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пирит хом ашёсини кислотали автоклав ишқорлаш қонуниятлари аниқланди, юқори ҳарорат ва босимда пирит концентратининитрат кислотаси билан ишлаш жараёнининг термодинамик ва кинетик параметрлари аниқланган;

“Fe-S-N-H₂O” системасида кислоталик муҳит (рН) ва оксидланиш-қайтарилиш потенциалига (ОҚП) боғлиқ ҳолда, “ОҚП–рН” режимини бошқариш мумкинлиги, бу эса қимматбаҳо хом ашё таркибий қисмларини танлаб ажралишини таъминлаши аниқланган;

хом ашёни тўлиқ қайта ишлашга эришиш учун оптимал технологик омиллар асосида пирит хом ашёсини гидрокимёвий қайта ишлашнинг технологик харитаси тузилди ва технологиянинг алоҳида операцияларининг

моддий ва элемент баланслари шароитида таклиф этилаётган усул омиллари ва кўрсаткичларининг оптимал қийматлари ишлаб чиқилган;

темир сулфидини нитрат кислотаси билан ишқорлаш кимёвий кинетикасини ўрганилган, жараён диффузия режими билан лимитланганлиги ва унинг бошланғич босқичи ташқи диффузия омиллари, жараённинг ўз вақтида ривожланиши билан ички диффузия омиллари билан белгиланиши исботланган;

пирит концентратини гидрокимёвий муҳитда, 298, 383 ва 433К температуралда парчаланиш жараёни термодинамикаси асосланган, «FeS₂-HNO₃-H₂O» системасида Гиббс энергияси ва мумкин бўлган реакцияларнинг мувозанат константалари ҳисоблаш натижасида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пирит концентратларини қайта ишлаш учун нитрат кислотали янги автоклав усули ишлаб чиқилган;

“ОҚП-рН” режимини тартибга солиш усули ишлаб чиқилган ва ушбу усул асосида хом ашёнинг қимматбаҳо таркибий қисмларини танлаб ажратиб олинган;

пирит концентратларини қайта ишлаш технологиясининг харитаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижалар замонавий тадқиқот усулларини қўллаш билан асосланган ва тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти технологик омилларнинг (ҳарорат, вақт, концентрация, кимёвий реагентнинг меъёри ва бошқалар) пирит концентратини автоклавда танлаб эритмага ўтказиш жараёни кўрсаткичларига таъсири, пирит концентратини нитрат кислотаси билан ишлаш жараёнининг термодинамик ва кинетик параметрлари аниқлашда асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пирит концентратини қайта ишлаш технологиясининг харитаси ишлаб чиқилганлиги, мис ишлаб чиқаришда пирит концентратини автоклав ишқорлаш технологиясини қўллаб хом ашёдаги қимматли таркибий қисмларни ажратиш, бу усулда олтингугурт, темир ва хом ашёнинг бошқа таркибий қисмларини танлаб ажратиш, шунингдек исталмаган ён иккиламчи кимёвий реакцияларни бартараф қилиб мақсадли жараёнларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мис ишлаб чиқаришдаги пирит концентратини автоклавда ишқорлаш қонуниятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пирит концентратини автоклавда нитрат кислота билан ишқорлаш технологияси «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ да амалиётга жорий этилган («Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ нинг 2020 йил 17 сентябрдаги 63-326-сон маълумотномаси). Натижада элементар

олтингургурт қаттиқ қолдиққа 83-85% гача ажралиш, сульфат шаклидаги эритмага 15% гача ўтиш имконини берган;

пирит концентратини чуқур қайта ишлаб, таркибида Au, Ag, SiO₂ бўлган силикат оралиқ маҳсулотидан гидроксимевий услуби билан олтин кукуни, кумуш хлоридни ажратиб олиш усули «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ да амалиётга жорий этилган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ нинг 2020 йил 17 сентябрдаги 63-326-сон маълумотномаси). Натижада ушбу технология ёрдамида хом ашёнинг қимматбаҳо таркибий қисмларини танлаб ажратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилга.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 6 та илмий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола республика ва 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объектлари ва предметлари берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш истиқболлари бўйича хулоса қилинган ҳамда чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Пирит концентратини қайта ишлашнинг асосий муаммолари”** деб номланган **биринчи боби** пирит концентратини қайта ишлаш муаммоларига, уни эритмага ўтказиш ва олинган маҳсулотларни қайта ишлаш усуллари бўйича адабиётларни таҳлил қилиш, шунингдек, муаммонинг ечимини оптималлаштиришнинг назарий шарт-шароитларини кўриб чиқишга бағишланган. Шу муносабат билан, пирит хом ашёсини ишқорлаш босқичида ундан S⁰ нинг максимал ва барқарор ишлаб чиқарилиши масаласида, уни эримайдиган шаклда Fe юқори ажратишга эришишда ва танлаб эритмага ўтказишнинг қаттиқ қолдиғида нодир металлларнинг концентрацияси бўйича аниқ маълумотлар йўқлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг “Ишқорлаш технологияси асосларини тадқиқ этиш” деб номланган **иккинчи боби** Ўзбекистондаги Қалмоқир конининг мис-молибден рудаларини флотацион бойитишдаги пирит концентратини қайта ишлаш технологиясининг асосий принципларини ўрганишга бағишланган. Қуйидаги 1-жадвалда хом ашёнинг таркиби, хусусиятлари ва тадқиқот усуллари берилган. Пирит концентратларининг шаклланиш шакли ва табиатига кўра сульфид кислотали хом ашё сифатида таснифланади, уларнинг минералогик таркиби асосан пирит ва халкопиритдан иборат. Ушбу хом ашёда нодир металлар майда қўшимчалар шаклида сульфидлар таркибига киради.

Микрозонд тадқиқотларига кўра (1-расм), кўриб чиқиладиган хом ашёнинг асосий минерали пирит- FeS_2 бўлиб, у мис-молибден конлари маъданлари ичидан энг кенг тарқалган минералдир. Ундаги пирит миқдори 3,5 дан 9,3% гача бўлиб, пиритнинг халкопиритга яъни ушбу хом ашёнинг асосий минералига нисбати 4,3 дан 17,2 гача. Пирит заррачаларининг ўлчами ушбу конларда кенг даражада $<0,001$ мм дан 5 мм гача ўзгаради.



1-жадвал

Хом ашёнинг таркиби, хусусиятлари ва тадқиқот усуллари


Элемент	Анализ натижалари (%)*			Изох
	Концентрат	Куйинди	Пирит	
Fe	25-26	36,3	45,55	1)*Концентрат ва куйинди кимёвий ва пробиркали усулларда, пирит эса микрозондли усулда таҳлил қилинди. 2) Шунингдек, пиритда 0,18% Те ва Se аниқланди. 3) Концентратда (% да): 0,48Са; 0,06 Mg; 0,8 Mn; 0,45 Pb; 0,4 Ti; 0,03 Ва; 0,015Zr ва 0,008 гача Cr мавжуд.
Собщ	26-27	1,3	53,37	
Si	10-12	30,4	-	
Al	0,95	1,35	-	
Cu	0,07-0,08	0,15	0,15	
Zn	0,05-0,06	0,79	0,05	
Ni	0,12-0,15	0,18	0,10	
Co	0,06-0,07	0,087	0,054	
As	0,15- 0,18	0,76	0,18	
Sb	0,03-0,05	0,09	0,07	
Au	4,5-4,6 г/т	6,59 г/т	0,29 г/т	
Ag	12,2-12,5г/т	17,82г/т	0,11 г/т	

Микрозондли ўрганиш натижалари пирит минералининг ўзига хос хусусиятини аниқлади, яъни бу минерал FeS_2 стехиометрик формуласига мос келмаслиги ва у аслида $(\text{Fe}_{0,98}\cdot\text{Cu}_{0,22}\cdot\text{S}_{2,0})$ формуласига эга эканлигини кўрсатди. Шунинг учун пиритда миснинг нисбатан юқори концентрацияда 0,15% бўлиши аниқланди. Ишқорлаш автоклавларда амалга оширилиб, у

сиғими 100 мл бўлган титандан ясалган “ампулалы бомба” бўлиб, ҳаво айланиш тезлиги 60 ай.мин⁻¹ ва электр ёрдамида иситиладиган ускуна ҳисболанади. Тажрибалар натижалари асосий ўзгарувчанлик технологик факторлар чегаралари аниқланди. Технологик омиллар кейинчалик 2000 ай.мин⁻¹ гача айланиш тезлигига эга механик аралаштиргичли 10 дм³ сиғимдаги автоклавда олиб борилди.

Жараёни эритмада мис, темир, кумуш ва олтингургуртни, кекларда эса умумий ва элементар олтингургурт, темир ва нодир металлларнинг таркибини назорат қилинди. Дастлабки хом ашё ва қаттиқ қолдиқлар рентгенфазавий, минералогик, термогравиметрик, хроматографик таҳлилдан ўтказилди (2-расм).

Концентратларнинг асосий минераллари, шу жумладан стехиометрик бўлмаганларни кислородсиз ва кислород иштирокида нитрат кислота билан ўзаро таъсири натижасида сувда турли эрувчанликка эга, қаттиқ ёки газсимон маҳсулотларнинг пайдо бўлиши қуйидаги умумий реакцияларда келтирилган (2-жадвал).



2-расм. Халкопирит (а) ва пирит концентрати (б) нитрат кислота билан ишқорлаш ўтказгандан сўнг қаттиқ фазаларнинг рентгенограммаси

2-жадвал

Пиритли хом ашёни ишқорлаш кимёвий модели

$2 \text{FeS}_2 + 8\text{HNO}_3 = \text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3 + \text{NO}_2\uparrow + 6\text{NO}\uparrow + \text{S}^0\downarrow + 4 \text{H}_2\text{O}$	(1)
$2 \text{FeS}_2 + 4\text{HNO}_3 + 3 \text{O}_2 = \text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3 + 2\text{NO}_2\uparrow + \text{S}^0\downarrow + 2 \text{H}_2\text{O}$	(2)
$\text{FeS}_2 + 6\text{HNO}_3 = \text{Fe}(\text{NO}_3)_3 + 3\text{NO}_2\uparrow + 2\text{S}^0\downarrow + 3 \text{H}_2\text{O}$	(3)
$\text{FeS}_2 + 3\text{HNO}_3 + 0,75 \text{O}_2 = \text{Fe}(\text{NO}_3)_3 + 2 \text{S}^0\downarrow + 1,5 \text{H}_2\text{O}$	(4)
$2 \text{FeS}_2 + 2 \text{HNO}_3 = \text{Fe}_2\text{O}_3 + 4 \text{S}^0\downarrow + 2 \text{NO}\uparrow + \text{H}_2\text{O}$	(5)
$2 \text{FeS}_2 + \text{HNO}_3 + 1,25 \text{O}_2 = \text{Fe}_2\text{O}_3 + 4 \text{S}^0\downarrow + \text{NO}_2\uparrow + 0,5 \text{H}_2\text{O}$	(6)
$6\text{FeS}_2 + \text{HNO}_3 + 9\text{H}_2\text{O} + 10 \text{O}_2 = 3\text{Fe}_2\text{O}_3 \cdot 4\text{SO}_3 \cdot 9\text{H}_2\text{O}\downarrow + \text{HNO}_2$	(7)
$\text{Fe}_{1,96}(\text{SO}_4)_{2,94} + \text{Cu}_{0,44}(\text{SO}_4)_{0,44} + 0,62\text{S}^0 + 8\text{NO} + 4\text{H}_2\text{O}$	(8)
$2\text{Fe}_{0,84} \cdot \text{Ni}_{0,13} \cdot \text{Cu}_{0,09} \cdot \text{S}_{2,0} + 8\text{HNO}_3 + 0,16\text{O}_2 =$ $\text{Fe}_{1,68}(\text{SO}_4)_{2,52} + \text{Cu}_{0,18}(\text{SO}_4)_{0,18} + \text{Ni}_{0,26}(\text{SO}_4)_{0,26} + 1,04\text{S}^0 + 8\text{NO}\uparrow + 4\text{H}_2\text{O}$	(9)
$\text{Fe}_{0,18}(\text{SO}_4)_{0,27} + \text{Cu}_{0,04}(\text{SO}_4)_{0,04} + \text{Ni}_{0,10}(\text{SO}_4)_{0,10} + 3,61\text{S}^0 + \text{NO}\uparrow + 0,5 \text{H}_2\text{O}$	(10)
$6\text{CuFeS}_2 + 22\text{HNO}_3 = 6\text{Cu}(\text{NO}_3)_2 + 3\text{Fe}_2\text{O}_3 + 12\text{S}^0\downarrow + 10\text{NO}\uparrow + 11\text{H}_2\text{O}$	(11)
$2\text{CuFeS}_2 + 6\text{HNO}_3 + 2\text{O}_2 = 2\text{Cu}(\text{NO}_3)_2 + \text{Fe}_2\text{O}_3 + 4\text{S}^0\downarrow + 2\text{NO}_2\uparrow + 3\text{H}_2\text{O}$	(12)

$6\text{CuFeS}_2 + 18\text{HNO}_3 + 16,5\text{O}_2 =$ $6\text{Cu}(\text{NO}_3)_2 + 3\text{Fe}_2\text{O}_3 \cdot 4\text{SO}_3 \cdot 9\text{H}_2\text{O} \downarrow + 8\text{S}^0 \downarrow + 6\text{NO}_2 \uparrow +$ $\text{S}^0 + 2\text{HNO}_3 = \text{H}_2\text{SO}_4 + 2\text{NO} \uparrow$	(13) (14)
$2\text{FeS}_2 + 4\text{HNO}_3 + \text{H}_2\text{SO}_4 + 0,5 \text{O}_2 = \text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3 + 4\text{NO} \uparrow + 2\text{S}^0 \downarrow + 3\text{H}_2\text{O}$	(15)
$\text{FeS}_2 + \text{H}_2\text{SO}_4 + 0,5 \text{O}_2 = \text{FeSO}_4 + 2\text{S}^0 \downarrow + \text{H}_2\text{O}$	(16)
$2\text{FeSO}_4 + 2\text{HNO}_3 + \text{H}_2\text{SO}_4 = \text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3 + 2\text{NO}_2 \uparrow + 2\text{H}_2\text{O}$	(17)
$6\text{Fe}^{3+} + 4\text{SO}_4^{2-} + 14\text{H}_2\text{O} = 3\text{Fe}_2\text{O}_3 \cdot 4\text{SO}_3 \cdot 9\text{H}_2\text{O} \downarrow + 10\text{H}^+$	(18)
$\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3 + 3\text{H}_2\text{O} = \text{Fe}_2\text{O}_3 + 3\text{H}_2\text{SO}_4$	(19)
$\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3 + 6\text{H}_2\text{O} = 2 \text{Fe}(\text{OH})_3 + 3\text{H}_2\text{SO}_4$	(20)
$\text{CuSO}_4 + \text{S}^0 + \text{H}_2\text{O} = \text{CuS} \downarrow + \text{H}_2\text{SO}_4 + 0,5 \text{O}_2 \uparrow$	(21)
$\text{CuS} + 4\text{HNO}_3 = \text{Cu}(\text{NO}_3)_2 + \text{S}^0 \downarrow + 2\text{NO}_2 \uparrow + 2\text{H}_2\text{O}$	(22)
$6\text{CuFeS}_2 + 18\text{HNO}_3 + 16,5\text{O}_2 =$ $6\text{Cu}(\text{NO}_3)_2 + 3\text{Fe}_2\text{O}_3 \cdot 4\text{SO}_3 \cdot 9\text{H}_2\text{O} \downarrow + 8\text{S}^0 \downarrow + 6\text{NO}_2 \uparrow + 9\text{H}_2\text{O}$	(23)
$2\text{NO} + \text{O}_2 = 2\text{NO}_2 \uparrow$	(24)
$4\text{NO} + \text{O}_2 + 2\text{H}_2\text{O} = 4\text{HNO}_2$	(25)
$2\text{NO} + 0,5 \text{O}_2 + \text{H}_2\text{O} = 2\text{HNO}_2$	(26)
$2\text{NO}_2 + \text{H}_2\text{O} = \text{HNO}_2 + \text{HNO}_3$	(27)
$3\text{HNO}_2 = \text{HNO}_3 + 2\text{NO} \uparrow + \text{H}_2\text{O}$	(28)
$2\text{NO} + 4\text{H}^+ = \text{N}_2 \uparrow + 2\text{H}_2\text{O}$	(29)

Ўрганилаётган жараённинг якуний натижаларига (1-13 реакциялар) турли хил иккиламчи реакциялар (14-23 реакциялар) таъсир кўрсатади, уларнинг энг муҳимларидан бири нитрат кислотали муҳитида элементар олтингугуртнинг сульфат шаклига ўтишидир. Ушбу шакллар рангли металлларнинг (мис, никел ва бошқалар) ва темирнинг сувда эрувчан сульфатлари, шунингдек мис сульфид, темирли ярозит, оксидлар ва гидроксидлари чўкмаларининг ҳосил бўлиши билан кетадиган иккиламчи жараёнларни ҳам келтириб чиқади. Кислород ва кислородсиз реакцияларда, кислород борлигида кислота сарфининг сезиларли камайиши (1-6 реакциялар) эътиборга сазовор. Бундан ташқари кислород иштирокида қуйи азот оксидлари юқори оксидларга қадар оксидланади, сўнгра кислота регенерацияси амалга оширилади (24-28 реакциялар). 24-28 реакциялар билан тавсифланган жараёнларга босим ва ҳароратнинг таъсирини аниқлаш учун 2, 3 ва 4 МПа автоклавдаги босимда ва 380 ва 433К (мос равишда 107 ва 160⁰С) ҳароратда нитрозали газларнинг парциал босими (p_i) ва мол таркиби (C_i) ҳисобланди.

Бундай ҳароратни танлаш элементар олтингугуртнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади, у 385-388К да эрийди ва 428-433К да аномал даражада паст ёпишқоқликка эга. Ҳисоблаш натижалари 3-жадвалда келтирилган. Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, изотермик шароитда буғ-газ аралашмаси умумий босимининг ошиши билан аралашмада азот оксиди камаяди ва полимерланган шаклларнинг нисбати ошади.

Шунингдек 3-жадвалдан кўриниб турибдики, изобарик шароитда (доимий газ босимида) автоклавда гидрокимёвий система ҳароратнинг кўтарилишида қуйи азот оксидларининг юқори оксидларга полимерланиш даражаси қисман пасаяди. Пирит концентратини гидрокимёвий муҳитда парчаланиш жараёнининг термодинамик асосланиши 298, 383 ва 433К да

«FeS₂-HNO₃-H₂O» системасида Гиббс энергияси ва мумкин бўлган реакцияларнинг мувозанат константаларини ҳисоблаш натижасида аниқланди. S⁰, Fe₂O₃ и Cu⁺² нинг нафақат ҳосил бўлиш реакцияларининг юқори термодинамик эҳтимоли ва қайтарилмаслиги, балки сульфатнинг ҳосил бўлишининг иккиламчи жараёнлари таъсири ҳам кўрсатилган.

Fe-S-N-O-H системаси учун юқори ҳароратли «потенциал (φ)-рН» диаграммалардан турли кислотали муҳитда ҳароратга боғлиқ ҳолда φ қийматлари S⁰ нинг максимал чиқишига мос келиши аниқланди: 298К да φ=0÷0.4В; 383К да φ=-0.1÷0.4В ва 433К да φ=-0.15÷0.4В.

Сулфид хом ашёсини нитрат кислота билан оксидланиши электрохимий механизм бўйича содир бўлади, унга кўра водород ёки азотнинг катодлик қайтариш реакциялари кислотанинг NO, NO₂ и O⁻²га парчаланиши билан амалга оширилади, сўнгра S⁰ ва бошқа маҳсулотларнинг пайдо бўлиши билан сульфидларнинг анодлик оксидланиши амалга оширилади.

3-жадвал

Кислород ва HNO₃ концентрацияси 25 масса% га тенг бўлган ҳароратда (Т,К) ва босимга (Р,МПа) боғлиқ ҳолда азотли газларнинг парциал босими (р_i) ва моляр таркиби (С_i)

Р, Мпа	Т,К	р _i				С _i			
		NO	NO ₂	N ₂ O ₄	N ₂ O ₃	NO	NO ₂	N ₂ O ₄	N ₂ O ₃
2,0	380	18,33	198,77	2,41	9,61	0,89	9,68	0,11	0,41
	433	19,97	199,09	2,05	9,00	0,93	9,69	0,09	0,39
3,0	380	20,34	298,00	4,43	17,85	0,65	9,76	0,11	0,52
	433	23,85	299,2	3,72	16,71	0,74	9,78	0,10	0,49
4,0	380	23,00	396,6	8,11	34,46	0,06	9,63	0,19	0,81
	433	26,07	397,4	5,74	24,07	0,54	9,67	0,11	0,54

Пиритдан S⁰ ниетарлича юқори даражада ажратиб олиш учун (76% гача) бошланғич жараённи ушлаб туриш куйидаги режимда амалга оширилади: φ⁰0,60 ÷ 0,74В ва рН⁰ = -1,5 ÷ -1.0 оралиғида.

Автоклавда темир сульфидли хом ашёни нитрат кислотаси билан ишқорлаш кинетикасини ўрганиш натижасида ўрганилаётган жараён диффузия режими билан лимитланганлиги ва унинг бошланғич босқичи ташқи диффузия омиллари, жараённинг ўз вақтида ривожланиши билан ички диффузия омиллари билан белгиланиши кўрсатилди.

Диффузия режими, шунингдек, элементар олтингугурт ва темир оксиди ҳосил бўлиш реакцияси учун ҳисобланган Пиллинг-Бедвордс мезони билан тасдиқланади: КП-Б = 1.06, бу маҳсулотлар сульфид хом ашёси доналари юзасида етарлича зич қобик ҳосил бўлишини кўрсатади, унинг экранлаш эффекти жараённинг диффузия механизмини аниқлайди. Қобик таркиби ва ўтказувчанлиги эксперимент шароитига ва сульфид хом ашёсининг табиатига боғлиқ эканлиги кўрсатилган (4-жадвал).

φ⁰-рН⁰ нининг бошланғич режими φ⁰=0.60÷0.74В ва рН⁰=-1.5÷-1.0 бўлганда ишқорлаш жараёни охирида эса уларнинг қиймати φ⁰- 0,38В ва рН⁰ -

1,8 гача ўзгаради. Ушбу тажрибаларда технологик майдон омили, технологик ва термодинамик хулосаларга асосланиб, қуйидаги режимлар билан чекланди:

- а) ҳарорат (X_1) 358 дан 388К гача; б) давомийлик (X_2) 60-90 дақиқа;
- в) HNO_3 (X_3) концентрацияси 15-25%мас. г) С:Қ нисбати (X_4) 2-4 тенг.

Тажрибалар натижасида пирит концентратидан элементар олтингугуртни олиш жараёнининг регрессия коэффицентлари аниқланди: $b_0 = 46,69$; $b_1 = 11,84$; $b_2 = 9,54$; $b_3 = 2,74$; $b_4 = 2,64$; $b_{12} = 0,74$; $b_{13} = 0,14$; $b_{14} = -0,11$, бу технологик омилларнинг жараён кўрсаткичларига таъсир кучини тавсифлайди.

Ушбу коэффицентларни ҳисобга олган ҳолда, юқорида кўрсатилган омилларга қараб, пирит концентратидан элементар олтингугурт олишнинг математик статистик моделининг тенгламаси

$$Y_S = 46,69 + 11,84X_1 + 9,54X_2 + 2,74X_3 + 2,64X_4$$

кўринишга эга. Ушбу тенгламанинг таҳлили шуни кўрсатадики, ўрганилаётган жараёнда ҳам ҳарорат ($b_1 = 11,84$), ҳам концентрация омиллари ($b_3 = 2,74$) элементар олтингугурт ажратиб олишга таъсир қилади. Худди шу тарзда, темир ва мисни эритмага ўтказиш моделлари юқорида кўрсатилган омилларга қараб пирит концентратини ишқорлаб эритмага ўтказиш жараёни тенгланмаси қуйидагича:

$$Y_{\text{Fe}} = 59,34 + 9,05X_1 + 1,44X_2 + 2,74X_3 + 2,64X_4$$

$$Y_{\text{Cu}} = 81,48 + 3,69X_1 + 9,78X_2 + 9,13X_3 + 3,58X_4$$

Пирит хом ашёсини танлаб эритмага ўтказиш жараёнининг кинетик қонуниятлари электрохимий механизм билан изоҳланади, унга кўра S^0 ва Fe_2O_3 нинг ҳосил бўлиши водород ёки азотни катодда қайтарилиш реакцияси, анодда атомар кислороднинг ажралиб чиқиши билан тушунтирилади. Ажралиб чиққан кислород анод ва катод бўлмалари ўртасида шунингдек HNO_3 ни парчаланиши найжасида “хом ашё ↔ эритма” чегарасида ҳосил бўлади. Кислород кучли электрон қабул қилувчи бўлиб, сульфидлар юзасидаги фаол марказлар билан алоқада бўлиб, сульфид хом ашёсини кўрсатилган маҳсулотларга қадар осон оксидлайди.

Пирит концентратини нитрат кислота билан танлаб эритмага ўтказиш кинетикасини ўрганиш натижалари қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

а) кислород борлигида автоклавда ишқорлашни ўтказиш автоклавнинг реакцион муҳитида кислота регенерацияси ва кислороднинг кам сарфланишида S^0 ни максимал ажратиб олиш учун зарур шароит яратади;

б) HNO_3 эритмаларининг тавсия этилган концентрацияси 4М дан юқори бўлмаслиги керак, юқори концентрацияли кислота эритмаси қумушни қисман эришига, шунингдек олтингугуртни сульфат шаклига ўтишига сабаб бўлади;

в) олтингугуртни S^0 кўринишида ва Fe_2O_3 шаклида олиш жараёни учун ўртача ҳарорат (383-388К) ва кислота миқдори стехиометрик нисбатдан ошмайдиган ёки биров пастроқ тавсия этилади.

Диссертациянинг **“Пирит концентратини автоклавда ишқорлашни тадқиқ этиш натижалари ва уларни муҳокамаси”** деб номланган учинчи бобида технологик тадқиқотлар натижалари келтирилган. Элементар

олтингугурт ва гематитни максимал олиш учун нитрат кислотаси иштирокида пирит концентратини автоклав усулда очиш учун оптимал шароитлар келтирилган. Темирни эритмага ўтказиш ва сульфид ҳолидаги олтингугуртни элементар олтингугурт ёки сульфат шаклига қадар оксидлаш юқорида айтиб ўтилганидек, нитрат кислотанинг концентрацияси 1,66-5,60 М (105-354 г/л) оралиғида, технологик жиҳатдан пульпани оптимал иситиш ҳарорати 383 дан 433К гача (110-160⁰С) бўлади.

Ҳарорат 383К да нитрат кислотанинг 105-223 г/дм³ концентрацияли эритмасидан фойдаланиш натижасида сульфид ҳолидаги олтингугуртни сульфатга қадар оксидланиши эритманинг кислотали муҳити ошиши билан, шунингдек автоклавда пулпани ушлаб турилиши вақтини ортиши билан барқарор ўсиб боришига олиб келади. Шу билан бирга, кислотали ишқорлашдан кейин эритмаларнинг оксидланиш потенциали анча юқори бўлади: $\varphi_{\text{кон}} = 0.71-0.76\text{В}$.

Кучли концентрацияли кислотали эритмаларда (354 г/дм³) бу қонуният сақланмайди: вақт ўтиши билан сульфат олтингугуртнинг ҳосил бўлиши (61,5 дан 62,6% гача) 20 дан 60 дақиқагача амалда деярли ўзгармайди. Жараён ҳароратини 433К га оширилганда, 105-223 г/дм³ HNO₃ оралиғида олтингугуртнинг сульфатга қадар оксидланиши пулпани 20 дақиқагача автоклавда ушлаб турилганда кучаяди. Узокроқ ушлаб туриш ва дастлабки кислота концентрациясининг ошиши (354 г/дм³) натижасида эритмадаги сульфат ҳолидаги олтингугурт миқдорининг бир оз камайишига олиб келади, шунингдек рН нинг ўзгариши ва $\varphi_{\text{кон}}-0,69\text{ В}$ гача пасайиши кузатилади. Шундан келиб чиқадики, бу таркибда олтингугурт чиқиши билан бирга камроқ сувда эрийдиган ноорганик тузлар ҳосил бўлиши ҳамкузатилади. Пиритли концентратларнинг нитрат кислота иштирокида автоклавда қайта ишлаш жараёнида эркин ҳолдаги олтингугурт S⁰ ҳосил бўлиш жараёни бошланғич босқичда 383К да пулпа кислоталигининг ортиши ва вақт ўтиши билан унинг аста-секин пасайиши билан тавсифланади.

Жараён бошида S⁰ ҳосил бўлиш даражасининг сезиларли пасайиши HNO₃ концентрациясининг Т-433К да 105 дан 354 г/дм³ гача ошиши, шунингдек, кислота концентрациясида 105 г/дм³ дан ошмайдиган жараён давомийлиги билан боғлиқ.

Ўртача кислота концентрацияси 223-354 г / дм³ га Т-433К га кўтарилиши вақт ўтиши билан элементар олтингугурт ажратиб олишнинг бироз ортишига имкон беради (3-расм).



3-расм. Пирит концентратидан S⁰ ни ажраллиши: HNO₃ 223-354 г/дм³, 383К, Қ:С=1:4, 60 дақиқа.

Тажриба натижалари ушбу жараённи вақт бўйича ривожланиши билан S⁰нинг ҳосил бўлиш шартларига

ушбу жараёнинг назарий тавсияларига мувофиқ мос келадиган қийматлар атрофида эритмаларнинг оксидланиш-қайтарилиш потенциалларининг кескин сакраши ва кийик йўқлигини таъкидлашга имкон беради (4-жадвал). Такдим этилган маълумотлар ўрганилаётган жараённинг оптимал технологик режимини тавсия қилишимизга имкон беради: HNO_3 концентрацияси 15-20 масс. %, Т-383-385К, Қ:С = 3:4, кислород сарфи эса 0,64-0,65 г/т темир, давомийлиги 1,5-2,0 соат, хомашёнинг силлиқланганлиги -63+40 мкм, автоклавдаги босим 1,5 Мпа дан ошмади. Кислотадан фойдаланиш коэффициенти уни автоклавдан олиб ташланган газ фазасидан регенерациясини ҳисобга олмаганда, 0,7 -0,8тенг эди.

4-жадвал

Кислород иштирокида пирит концентратини автоклавли нитрат кислота билан танлаб эритмага ўтказиш кўрсаткичлари: HNO_3 15 мас.%, 383К, С:Қ=3, кислород сарфи 0,66 г/т темир учун, $\phi^0=0.638\text{В}$, рН=-1.0

Жараённинг давомийлиги, соат	Эритманинг хусусияти		Ажратиш, %		
			кекда		эритмада
	$\phi_{\text{кон}}$	$\text{pH}_{\text{кон}}$	S^0	Fe^{+3}	Cu^{+2}
0,5	0,440	1,34	48,7	86,6	93,4
1,0	0,325	1,62	61,3	90,8	98,3
1,5	0,245	1,68	70,6	96,3	98,8
2,0	0,280	1,72	78,0	97,0	99,6

Танлаб эритмага ўтказишнинг оптимал режими: концентратнинг оғирлиги 1000 г, ажралган намкек миқдори 1040 г, қуруқ кекнинг миқдори - 830 г; эритма ҳажми - ювиш сувисиз филтрат - 2,1 дм^3 ; концентрацияси 170 г / дм^3 - 3 дм^3 эга бўлган HNO_3 эритмасининг сарфи, кислород сарфи 163 г (0.130 дм^3); ҳарорат 383К, вақт - 2 соат (6-жадвал).

6-жадвал

Танлаб эритмага ўтказиш жараёнининг лаборатория режимида усулнинг оптимал асосий технологик параметрлари

№	Элем.	Таркиби						
		1000 г концентратда		қуруқ кекда (830г)		Ювиш сувисиз эритмада (2,1 дм^3)		
		%	г	г	%	г	г/ дм^3	Ажратиш даражаси, %
1	Fe^{+3}	-	-	237,3	28,6	7,55	3,59	2,96
2	Fe_2O_3	-	-	339,0	40,8	-	-	-
3	S^0	-	-	205,1	24,7	-	-	-
4	S^{+6}	-	-	-	-	59,0	28,1	22,43
5	Al^{+3}	0,95	9,5	1,34	0,20	8,16	3,88	86,0
6	Cu^{+2}	0,077	0,77	0,02	0,0026	0,75	1,57	97,4
7	Zn^{+2}	0,056	0,56	0,06	0,0078	0,50	0,24	90,9
8	Ni^{+2}	0,13	1,3	0,09	0,012	1,21	0,58	93,7
9	Co^{+2}	0,065	0,65	0,02	0,0026	0,63	0,30	96,9

10	As ⁺⁵	0,17	1,7	1,33	0,17	0,37	0,17	21,7
11	Sb ⁺³	0,04	0,4	0,02	0,0026	0,38	0,18	96,1
12	Mo	0,18	1,8	0,68	0,088	1,11	0,52	61,6
13	Ca	0,48	4,8	0,6	0,078	4,2	2,0	87,5
14	Mg	0,06	0,6	0,06	0,0078	0,54	0,26	91,0
15	Au	4,55 г/т	4,55мг	4,55мг	5,90г/т	-	-	-
16	Ag	12,3г/т	12,3мг	12,3мг	15,97г/т	-	-	-

Асосий кўрсаткичлар куйидагилар:

1. Нам кекнинг миқдори концентратнинг дастлабки тортилган қисмининг 104% (кекни намлиги 20,2%) ёки қуруқ кек 830 г (оғирлиги 1 кг бошланғич хом ашёнинг миқдоридан 83%). Шу билан бирга, қуруқ кек таркибидаги асосий элементларнинг ажралиши 93,1% Fe (237,3 г); 77,9 % S⁰ (205,1 г) ва 100% нодир металлар (4,55 мг Au (6,79 г/т) ва 12,3 мг Ag (18,36 г/т). Бундай маҳсулот эркин олтингугурт, темир ва нодир металларни ажратиб олиш учун хом ашё ҳисобланади.

2. Таркибида асосий элементларнинг куйидаги миқдори бўлган, г/л: 3,59Fe; 3,88 Al; 1,57 Cu; 0,24 Zn; 0,58Ni; 0,30 Co(d =1,19 г/см³, рН=1,61) эритмаларнинг утилизацияси ушбу элементларнинг гидролитик чўктириши билан амалга оширилади. Пирит концентрати ишқорлангандан сўнг бойитилган ярим маҳсулот таркиби қуруқ қисмига ҳисоблаганда 24,7% S⁰; 40,8% Fe₂O₃; Au 5,90 г/т, Ag 15,97 г/т ва 27,4% SiO₂ эга.

Эркин олтингугуртни олиш учун қаттиқ қолдиқлар сульфатли флотация билан бойитилади, таркибида 79% олтингугурт бўлган бойитилган концентрат - ярим тайёр маҳсулот олинади. Жараён ҳарорат 313К, рН = 9-10, коллектор қўшимчаларининг (эмулсия шаклида керосин) сарфи 200 г / т вақўпикловчи восита (Т-66) миқдори 140 г/т, флотация вақти 40 дақиқа мин. шароитида амалга оширилади. Ушбу оралик силикат маҳсулотнинг таркиби, қуруқ оғирлиги 100 г: ва 35,7г -Fe₂O₃ (25,0 г Fe); 0,59 мг- Au; 1,59 мг- Ag и 37,9- г SiO₂.

Темирни ажратиб олиш. а) фракцияси 1,0 мм дан ошмайдиган 100 г кек 45 мл H₂SO₄ (зичлиги 1,84 г/см³) билан аралаштирилади ва намлиги билан оғирлиги 174 г ва катталиги 3-5 мм бўлган гранулалар олинади. Нам гранулалар сульфатизация қилинади, яъни печда 320-330⁰С ҳароратда 2.0-2.5 соат давомида куйдирилади. Ҳосил бўлган куйинди - 160 г оғирликдаги сульфат маҳсулоти 0.4-1.0 мм фракцияга қадар майдаланади.


б). Ушбу жараённинг қаттиқ маҳсулоти қуруқ вазни 43,3 г бўлган кек бўлиб, унда 37,9 г SiO₂ (87,5%), 0,59 мг Au (13,62г/т) ва 1,59 мг Ag (36,72г/т) бўлади.

в) қуруқ оғирлиги 36,1 г ва таркибида 66,2% Fe (23,9 г) бўлган темир оксиди чўкмасини олиш учун 0,4 л темир эритмаси рН=5-6 муҳитда 8 мл 25% NH₄ОН билан ишлов берилади. Темирдан тозалаш жараёнининг маҳсулоти силикат яриммаҳсулоти бўлиб, қуруқ оғирлиги бўйича таркиби: 87,5% SiO₂ ва нодир металлар 13,62 г/т Au ва 36,72 г/т Ag га мос келади.


Силикат ярим маҳсулотдан нодир металларни олиш минус 630-710 мВ оралиғида пулпанинг оксидланиш-қайтарилиш потенциалида кумушни

нитрат кислота билан ишқорлаш орқали амалга оширилади. Кумуш эритмага тўлиқ ўтади ва олтин билан бойитилган қаттиқ қолдиқ (кек) олинади. Кумушнинг миқдори ишқорлашдан сўнг метал миқдори бўйича 0,01% ни ташкил қилади. Нитрат кислота эритмасидан кумушни чўктириш натрий хлориднинг тўйинган эритмаси билан реактор-аралаштиргичда амалга оширилади. Чўкмани конденсат билан ювиб, 110-300⁰С ҳароратда қуритгандан сўнг 74-76% кумуш хлориднинг кукунини олиш учунаффинажишлаб чиқариши учун хом ашё ҳисобланади.

Олтинни икки босқичли оксидловчи ишқорлаш жараёни герметик идишда вакуум остида сульфат-хлорид эритмасида оксидловчи модда сифатида кислород ва натрий нитритдан фойдаланиб амалга оширилади. Эритмадаги олтин комплекси ҳосил бўлишининг қуйидаги реакцияси билан тавсифланади:



Қайтарувчи сифатида натрий сульфит ОҚП = -580 - 620 мВ да ишлатилади. Ювиб бўлгандан кейин таркибида асосий металнинг 98% гача бўлган ярим хом ашё олтин кукуни олинади, бу аффинаж ишлаб чиқаришда хом ашё ҳисобланади. Олтин хлорид эритмасидан олтинни чўктиришнинг классик схемаси эритмани натрий сульфит иштирокида қайнатишни ўз ичига олади:




Олтин чўктирилгандан кейин натрийнинг хлорид-сульфатли тузлари бўлган эритмани утилизация қилиш учун эритма то нам тузлар қолғунига қадар буғлатилади, конденсат эса металл ва туз кукунларини ювиш учун ишлатилади. Шундай қилиб, ишлаб чиқилган гидрометаллургия схемасига кўра олтин кукуни, кумуш хлорид, силикат оралик маҳсулоти ва натрийнинг нитратли, хлоридли ва сульфатли тузларини олиш мумкинлиги кўрсатилган. Усул заҳарли моддаларнинг чиқишини ва қимматбаҳо элементларнинг чиқиндилар ва технологиянинг саноат маҳсулотлари билан йўқолишини олдини олади.

Диссертациянинг **“Пирит концентратини чуқур қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш”** номланган тўртинчи боби усулнинг технологик схемасини (4 – расм) оптималлаштириш бўйича технологик тадқиқотлар, аппарат схемасини ишлаб чиқиш ва технологиянинг иқтисодий самарадорлигини дастлабки баҳолашга бағишланган. Технологик тадқиқотлар қуйидагича хулоса қилишга имкон беради: олтингургурт, темир, рангли ва нодир металллар ҳамда юқори сифатли силикат аралашмаларининг олиниши, шунингдек, эритмаларнинг айланиши ва уларни натрий ва аммоний тузлари билан тўйинганидан кейин кимё саноатида ишлатилиши мумкинлиги ишлаб чиқилган комплекс технологияда пирит концентратларидан фойдаланишни 100% га яқин эканлигини кўрсатади. Схема бўйича технологик операцияларни лаборатория ва кенгайтирилган синовлари натижаларига кўра (4-расм), технологик харита ишлаб чиқилган бўлиб, у материал ва элемент баланси ва атроф-муҳитга зарарли чиқиндилар

йўқлиги шароитида технологиянинг иш режимлари ва кўрсаткичларини ақс эттиради.

Гидрометаллургия технологиясининг ускуна асосини блок типдаги «реактор системаси-фазани ажратувчи» ташкил қилади. Бундан ташқари ушбу схема пулпа тайёрлаш учун репульпаторлар, сарфланадиган ва оралик эритма коллекторлари, ўлчаш идишлари, кимёвий насослар ва бошқалар билан тўлдирилади.

Яратилган технологиянинг иқтисодий кўрсаткичлари (ТИК) самарадорлигини баҳолаш. Ўтказилган техник иқтисодий кўрсаткич таҳлили асосий хулосани чиқаришга имкон беради.



4-расм. Пирит концентратини қайта ишлашнинг технологик схемаси

Ишлаб чиқилган усул нитрат кислота саноати ривожланган, муҳим хом ашё базаси мавжуд бўлган Ўзбекистон учун долзарб бўлиб, атроф-муҳит ифлосланишини олдини олиш каби муҳим муаммони ҳал қилади, эркин олтингугурт, темир ва қимматбаҳо металлларни ажратиш олиш имконини беради (9-жадвал).

7-жадвал

Ишлаб чиқилган технологиянинг асосий ТИК

Кўрсаткичлар	Маблағ	Миқдори
1. Хом ашёни йиллик қайта ишлаш ҳажми	минг.т	100,0
1.1. Олтингурт концентрати	минг.т	22, 88
1.2. Темир метали	минг.т	20, 48
1.3. Кумуш хлорид	т	1640

1.4. Олтин кукуни ЖАМИ	кг минг..т	492 45, 0
3.Жами капитал қўйилмаларнинг суммаси	минг. \$	6254,0
4.Йиллик эксплуатация харажати	минг. \$	21643,52
5. Аниқ капитал қўрилмалар:	\$	62,54
7.Маҳсулотнинг тан нархи	тыс. \$	27 680,0
8.Олинадиган фойда(п.7-п.4)	тыс. \$	6 036,48
9.Рентабеллик (п.8/п.4)	%	27,89
10. Кап.харажатларни оқлаш муддати (п.3/п.8)	йил	1,5

ХУЛОСА

1. Пирит хомашёсини автоклавда кислотали ишқорлаш қонуниятлари, юқори ҳарорат ва босимда пирит концентратини нитрат кислота билан очилиши жараёнининг термодинамик ва кинетик параметрлари аниқланилди ва шу асосда пирит концентратини чуқур қайта ишлаш технологияси таклиф этилди.

2. Турли хил кислоталик мухитда Fe-S-N-O-H системаси учун “потенциал (ϕ) –pH” юқори ҳароратли диаграммаларнинг назарий таҳлили олиб борилди ва ҳароратга боғлиқ ҳолда ϕ қийматларининг S^0 нинг максимал унумига мос келадиган шароитлари кўрсатиб ўтилди: $T=298K$ $\phi=0\div 0.4V$; $T=383K$ $\phi=-0.1\div 0.4V$ ва $T=433K$ $\phi=-0.15\div 0.4V$.

3. “ОҚП-pH” режимини тартибга солиш усули ишлаб чиқилди ва ушбу усул асосида хом ашёнинг қимматбаҳо таркибий қисмларини танлаб ажратишга эришилди. Бунда рангли металллар қўшимчалари эритмада концентрланиши, темир, олтингугурт ва нодир металллар эса қаттиқ қолдиқда ажралиши билан изоҳланди.

4. Сульфидли хом ашёни нитрат кислота билан оксидлашнинг электрохимёвий механизми тадбиқ этилди, унга кўра катодда водород ёки нитрат кислотанинг NO , NO_2 ва O^{2-} га қадар қайтарилиши, анодда сульфидларнинг ёки бошқа маҳсулотларнинг S^0 га қадар оксидланиши содир бўлиши кўрсатиб берилди.

5. Темир сульфидли хом ашёни нитрат кислота билан ишқорлаш кинетикаси аниқланди. Жараён диффузия режими билан лимитланганлиги, бошланғич босқич ташқи диффузия омиллари, жараённинг кейинги вақт бўйича ривожланиши эса ички-диффузия омиллари билан белгиланиши кўрсатилди.

6. Хом ашёни тўлиқ очишга эришиш учун оптимал технологик омиллар аниқланди, унинг асосида пирит хом ашёсини гидрохимёвий қайта ишлашнинг технологик харитаси тузилди ва технологиянинг индивидуал операциялари моддий ва элемент баланслари шароитида тавсия этилган усулнинг омиллари ва кўрсаткичларининг оптимал қийматларини миқдорий баҳолаш ва кенгайтирилган лаборатория миқёсида синовлар иш ҳажми 18 дм^3 бўлган автоклавда амалга оширилди. Бу атроф-мухитни муҳофаза қилиш

ва хом ашёни чуқур қайта ишлаш талабларига жавоб берадиган усулнинг самарадорлигини тасдиқлади.

7. Йилига 100 минг тонна пирит концентратини қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқилган технологияни техник-иқтисодий баҳолаш ушбу хом ашёни ишқорлаш жараёнининг кенгайтирилган синовлари натижалари бўйича ўтказилган тахминий техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар асосида амалга оширилди, натижада ушбу технологияни тўлиқ қоплаш муддати 1,5 йилни ташкил этиши кўрсатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ОЛИМОВ ТОЛМАС ФАРХОДОВИЧ

**ЗАКОНОМЕРНОСТИ И РАЗРАБОТКА АВТОКЛАВНОГО
ВЫЩЕЛАЧИВАНИЯ ПИРИТНОГО КОНЦЕНТРАТА МЕДНОГО
ПРОИЗВОДСТВА АГМК**

02.00.01-Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
(PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.1.DSc./К2.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.ionp.uz и информационно-просветительском «ZiyoNET» (www.ziyo.net).


Научный руководитель:	Шарипов Хасан Турабович доктор химических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Гуро Виталий Павлович доктор химических наук, профессор Нурмуродов Тулкин Исамуродович доктор технических наук, доцент
Ведущая организация:	Национальный университет Узбекистан им М. Улугбек


Защита диссертации состоится 04 декабрь 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 при Институте Общей и неорганической химии (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбек, 77-а, Тел.: (+99871) 262-56-60. Факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanuz@mail.ru).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбек, 77-а, Тел.: (+99871) 262-56-60.

Автореферат диссертации разослан 20 ноябрь 2020 года.
(протокол рассылки № 20 от 20 ноябрь 2020 года).




Б.С. Закиров
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор


Д.С. Салиханова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор


С.А. Абдурахимов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

ВЕДЕНИЕ [аннотация диссертации доктора наук (PhD)]

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мировой практике известна важнейшая проблема тяжелых отраслей промышленности, в том числе, цветной металлургии Республики Узбекистан, заключающаяся в необходимости утилизации промышленных отходов и техногенного сырья, которая сегодня представляет собой острую экономическую и технологическую проблему государственного масштаба, поскольку рассматривается как ресурсосберегающее, природоохранное и диверсификационное мероприятие экономической деятельности государства. В связи с этим, вопросы утилизации отходов и извлечение из них ценных металлов является актуальной задачей.

На сегодняшний день в мире необходимо обоснование следующих научных решений по исследованию переработки и рациональной использованию техногенных отходов основаны на развитии инноваций, новейших технологий и модернизаций, в частности определение химических составов промышленных отходов металлургии; получение редких и благородных металлов из промышленных отходов; изучение вещественного и химического состава проб пиритного концентрата и продуктов его переработки методами физико-химических методов исследований; установление термодинамических и кинетических закономерностей процесса вскрытия пиритного концентрата азотной кислотой при повышенных температурах и давлениях.

В нашей Республике достигнуты научно-практические результаты частности, на базе АО «Алмалыкский ГМК» с развитием медной отрасли цветной металлургии растут объёмы образования пиритного полиметаллического концентрата и его переработки. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан указано на «дальнейшую модернизацию и диверсификацию промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов»². В этой сфере, в том числе, имеют важное значение научные исследования по разработке эффективного способа глубокой комплексной переработки пиритных концентратов, направленная на полное извлечение всех ценных компонентов сырья, является актуальной и востребованной с точки зрения экономики предприятий и экологии

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-49-47 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по

¹Указ президента республики узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 23 июля 2019 года №4401 «О мерах по дальнейшему совершенствованию геологического изучения недр и реализации государственной программы развития и воспроизводства минерально-сырьевой базы на 2020-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: VII. Химические технологии и нанотехнологии.

